Funded by UK Government

PENAL REFORM INTERNATIONAL

ҚИСҚАЧА АХБОРОТ ҲУЖЖАТИ (№1)

ЗЎРАВОН ЭКСТРЕМИЗМГА ЖАЛБ ЭТИЛГАН АЁЛЛАР

Ушбу услубий қўлланма “Марказий Осиё мамлакатлари қамоқхоналарида диний мулоқот воситасида радикаллаштириш ва зўравонликка асосланган экстремизмга қарши ҳаракатларни кучайтириш ҳамда реинтеграция дастурлари” Лойиҳаси доирасида Марказий Осиёда қамоқхоналарга оид ислоҳотлар бўйича Халқаро Ваколатхона томонидан Буюк Британиянинг (Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда) Зиддиятларни бартараф этиш, барқарорлик ва хавфсизликка кўмаклашиш (CSSF) жамғармасининг молиявий кўмагида ишлаб чиқилган.

Мазкур нашр Буюк Британия ҳукуматининг молиявий кўмагида тайёрланган. Бироқ, унинг мазмуни Буюк Британия ҳукумати ҳамда Марказий Осиёда қамоқхоналарга оид ислоҳотлар бўйича Халқаро Минтақавий Ваколатхона (Penal Reform International) расмий нуқтаи назарини ўзида акс эттирмайди.

Нашр учун жавобгарлик муаллифларга тегишли бўлиб, уларнинг қарашлари, шунингдек матнда келтирилган маълумотлар, шарҳлар ва хулосалар Германия Федерал Ташқи ишлар Вазирлиги, Deutsche Gesellschaft fur Internationale Zusammenarbeit (GIZ) GmbH ва Немис халқ университетлари ассоциациясининг (DVV) Ўзбекистондаги Филиали фикрларини акс эттирмаслиги мумкин.

ЗЎРАВОНЛИККА АСОСЛАНГАН ЭКСТРЕМИЗМГА ЖАЛБ ЭТИЛГАН АЁЛЛАР

Зўравон экстремизм (бундан буён – ЗЭ), яъни экстремистик оқимлар сафига зўрма-зўраки жалб этишга қарши кураш соҳасида экстремистик гуруҳлар фаолиятига жалб этилган аёлларнинг жамиятдаги роли, уларни бу йўлга киришга мажбур қилган сабаблар ва вазиятлар энг кўп муҳокамаларга сабаб бўлмоқда ва айни пайтда энг мунозарали ҳамда кам ўрганилган масала бўлиб қолмоқда.

Айниқса, Халқаро террористик ташкилотлар (ХТТ) нинг Сурия ва Ироқдаги мағлубияти ҳамда мазкур ташкилотлар сафида бўлган Марказий Осиё давлатлари фуқароларининг доимий яшаш жойларига қайтишлари ортидан бу масала янада долзарблик касб этмоқда.

Жамиятда юзага келган стереотиплар, қарашлар сабабли бундай аёллар зўравон экстремизм оламига шунчаки эрларининг ортидан кетган "издошлар" сифатида, камдан-кам ҳолларда эса экстремистик ғояларни ёқловчи ташаббускор ёки ёлловчи[1] сифатида қабул қилинадилар.

Зўравонлик билан экстремизм йўлига жалб этилган аёлларнинг роли, уларни бу йўлга киришга мажбур қилган сабабларни батафсил ўрганиш асосида уларни бир нечта тоифага ажратиш мумкин. Ҳар бир тоифани алоҳида таҳлил этамиз.

1-ТОИФА: ЗЎРАВОН ЭКСТРЕМИСТИК (ЗЭ) ГУРУҲЛАРГА ИЖТИМОИЙ ВА МОДДИЙ ҚАРАМЛИК БЕЛГИЛАРИГА КЎРА ЖАЛБ ЭТИЛУВЧИ АЁЛЛАР

Зўравон экстремистик гуруҳларга ижтимоий ёки моддий жиҳатдан қарам бўлган аёлларнинг нечоғли мушкул аҳволдалигини англаш учун бир нечта мисоллар келтирамиз.

Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида яшовчи аёл никоҳидан ажралгач, шариат ҳукми бўйича фарзандларини собиқ эрига қолдиришга мажбур бўлди. Унинг фарзандларини эркакнинг янги хотини тарбиялаши керак эди. Орадан бир неча ой ўтгач, аёлга васийлик идорасидан қўнғироқ қилиб, фарзандларининг ҳолидан хабар олиш, уларнинг қандай яшаётгани билан қизиқиш лозимлигини айтишди. Аниқланишича, улар қийин аҳволда қолишган ва чиқиндихоналардан овқат қидириб еб юришган экан. Шундан сўнг аёл икки ёшли фарзандини олиб қочишга муваффақ бўлади, текширувлардан сўнг шифокорлар болага "дистрофия" ташхисини қўйдилар. Аёл онаси ва гўдак боласи билан ишчилар ётоқхонасида яшар, ҳеч қаерда ишламас эди. Ўша пайтда уни зўравон экстремистик ғоялар тарғиботи билан шуғулланувчи жамоат ўз қарамоғига олганди.

Шундай ҳоллар бўлар эдики, аёлни бир соатлик ёки бир кечалик "ҳадя" сифатида нотаниш эркакларга тақдим этишарди. Албатта, бундай ҳолатлар асл исломга зид, исломий қоидаларга сира дахлдор эмас. Бу келгусида жангари сифатида майдонга чиқиши лозим бўлган эркакнинг оилага боғланиб қолмаслиги ва исталган пайтда муайян террористик ҳаракат чоғида тирик қалқон бўлиб хизмат қилишини назарда тутувчи тадбир ҳисобланади.

Зўравонликка асосланган экстремизмни тарғиб этувчи маърузаларнинг бирида ҳатто эркакларга қарата шундай мурожаат қилинади: "Сизни чин дунёда жаннат ҳурлари кутиб турган бир пайтда, ёлғон дунёдаги хотинларингизга боғланиб ахмоқлик қилманг!"

Вақт ўтиши билан аёлларнинг ўзлари ҳам бундай муносабатни одатий ҳолдек қабул қила бошлайдилар. Муаммо жамоат ичидан ташқарига чиқмаслиги учун улар қўлдан-қўлга ўтаверадилар. Алматида юз берган яна бир ҳолатда аёлнинг эри уни бир кечага ўз дўстига тақдим этмоқчи бўлган. У ўзининг бу қарорини асослар экан, "Бир жамоатдаги биродарлар шу тахлит уларни бу дунёда ҳеч нарса ушлаб турмаслигини ва бу йўлда ҳар қандай синовга тайёр эканликларини исботлашади", деган. Ўша кеча аёл уйидан қочишга муваффақ бўлган, бироқ,

[1] *Аёллар ҳамда Европа ва Марказий Осиё давлатларида зўравон экстремизм. Қисқача хулосалар ва тавсиялар. ® БМТ-Аёллар. Июнь 2017 й.*

кейинчалик яна эри билан яшашда давом этган. Аёлнинг сўзларига кўра, “у (эри) танлаган йўл тўғри, ўз мақсад-маслаги йўлида оилани ҳам қурбон қилиш керак, шунчаки мен ҳали бунга тайёр эмасман”. Кўриниб турганидек, бу ижтимоий қарамликка асосланган, гуруҳдан чиқиш, ажралиш билан боғлиқ фобия, қўрқув.

Ички оилавий муаммолар ҳақида юрак ютиб айтиш – бунга журъати етадиганлар жуда озчиликни ташкил этади. Аксарият аёллар ўзлари мансуб бўлган жамоат ичида “ўз ёғига ўзи қоврилиб” юраверади. Мазкур жамоатлар ичида ҳатто махсус жамғармалар фаолият юритади, улар ташлаб кетилган ва “ҳадя қилинган” аёлларга гўёки ёрдам бериш мақсадида ташкил этилган. Аммо уларга мурожаат қилган аёлларга нари борса: “Ўзинг айбдорсан, бориб эрингдан кечирим сўра”, дейишади.

Бу ерда икки, уч, тўрт нафаргача фарзандлари бор аёллар мавжуд. Кўп ҳолларда уларнинг оталари бошқа-бошқа. Бир қатор ҳолатлар борки, оиладаги болалар оғир касалликлардан азият чекади. Она бундай вазиятда ўзини ҳам, болаларини ҳам таъминлай олмайди. Жамоат ичида аёлга берилган “аёл киши ишлаши мумкин эмас, теварак-атроф тўла номаҳрам эркаклар” деган кўрсатма бунга тўсқинлик қилади.

Табиийки, оғир вазиятдан чиқишнинг ягона йўли: яна турмушга чиқиш, шу билан ҳар ҳолда вақтинчалик бўлса-да кун кўриш, очликдан сақланиш мумкин. Бу аёллар ҳақиқатдан ҳам қашшоқлик домига келиб қолганлар ва шу важдан кун ора рўза тутишга мажбур бўладилар, чунки шундоқ ҳам егани ҳеч вақо йўқ. Мурожаат қилган аёллардан бирининг ҳикоя қилишича, бўш коса кўтариб эшикма-эшик юрар ва болаларга бериш учун қўшнилардан ул-бул егулик сўрар экан.

Нима учун аёлларни бу аҳволга солишади? Гап шундаки, бахт келтирмаган бир нечта турмушдан сўнг аёл охир-оқибат ёлғиз қолади. Шунда аёл ўзи тушган вазиятнинг нақадар бемаъни, нақадар фожиали эканлигини тушуниб етади, бу вазиятнинг исломий қонун-қоидаларга мутлақо алоқаси йўқ эканлигини англайди. Айни шундай вазиятда чорасизлик исканжасида қолган аёлга “хайрихоҳ” бўлувчилар топилиб, унга гуноҳларни қон билан ювиш зарурлигини айтиб, асл муддаони таклиф этадилар.

Бу борада мактаб вазифасини ўтайдиган алоҳида хонадонлар ҳам мавжуд, бу ерда шундай вазиятдаги аёллар бир жойга жамланиб, ўша “асл муддао” бўлган якуний қарорга келишга ғоявий-руҳий жиҳатдан тайёрланади. Қоидага кўра, бу каби аёллар қариндош-уруғларига ёрдам сўраб мурожаат қила олмайдилар, чунки улар билан муносабатларни аллақачонлар узганлар. Зўравон экстремистик гуруҳларга ижтимоий ва молиявий жиҳатдан қарамлик уларни жиноят содир этишга ундайди.

2-ТОИФА: ОИЛА ҚУРИШ ИСТАГИГА АСОСАН ЖАЛБ ЭТИЛУВЧИ АЁЛЛАР

Бу гуруҳга хос мотивация қуйидагилардан иборат:

- тезроқ турмушга чиқиш истаги;
- жинсий муносабатларни оқлаш ва қонунийлаштиришга уриниш.

Шуни қайд этиш жоизки, диний қарашларга асосланган нафрат ҳисси ортидан жиноят содир этганлар орасида оилали эркаклар ва аёллар сони кўпчиликни ташкил этади.

Эътиборни тортадиган жиҳат шундаки, кўпчилик оила бағрида эркинлик ҳисси ва ўзаро тушуниш туйғусидан бебаҳра яшайди. Шуни тушуниш жоизки, радикал гуруҳлар талқинида оила тушунчаси бузуқлик маскани ва фақат шаҳвоний-ҳирсий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қиладиган тушунча даражасига келтирилган.

Мисол учун, маҳкумалардан бирининг ҳикоя қилишича, «Ҳизб-ут-Таҳрир» (барча Марказий Осиё Республикалари суд ҳокимиятлари қарори билан экстремистик гуруҳ деб тан олинган) томонидан эркаклар учун ҳам, аёллар учун ҳам бир неча бор турмуш қуриш ва исталганча талоқ бериш тартиби рағбатлантирилар экан. Эркакларга уйидан олисда бўлган вақтида (“даъват” чоғида, ўз қарашларини тарғибот этиш мақсадидаги сафар назарда тутилмоқда) умумий манфаатлар йўлида бир сафда хизмат қилаётган “жангари дугоналар”га ҳам уйланишга рухсат берилган.

Бошқа бир маҳкум эса танишларининг тавсиясига кўра, қисқа муддатли биргина

учрашувдан сўнг бир қизга “телефон орқали” (Ат-Такфир ва ал-Ҳижра ташкилотига хос) уйланганини сўзлаб берди. Никоҳ маросими икки ярим йил аввал ўтказилган бўлса-да, унинг қариндошлари бундан бехабар.

Радикал кайфиятдаги жамоатларга мансуб хотин-қизлар орасида умрбод озодликдан маҳрум этилганларга турмушга чиқиш обрў саналади. Улар ўзларининг бу танловларини шундай изоҳлайдилар: “Бошқа қиз-жувонларнинг омади келган, улар ҳозир Суриядалар, у ерда жуда катта қийинчиликларни кўришмоқда ва шу билан гуноҳларини ювишмоқда.

Бу ерда қолиб “тутқунликда”ги одамга турмушга чиқарканман, мен ҳам шунга ўхшаш синовларни бошимдан кечираман. Бизлар (тутқунликдаги куёв билан) никоҳдан ўтдик. Энди унинг олдига бориш, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш учун пул тўплайман”[2] .

Аслини олганда, бир умрга қамоқ жазосига маҳкум этилганлар тоифасига кирувчиларнинг аёллари уларни ташқи олам билан боғловчи алоқачи вазифасини бажарадилар. Сўнгги пайтларда шундай ҳолатлар кузатилмоқдаки, “умрбод озодликдан маҳрум” тоифасидаги маҳкумларнинг маслаҳатига биноан уларнинг аёллари никоҳдан ажралиб, сўнгра яна, бироқ энди камроқ муддатга озодликдан маҳрум этилганларга турмушга чиқмоқдалар. Тадқиқот муаллифи бу борада етарлича далилларга эга эмас, аммо унинг фикрича, бундай қарор замирида ўта ёвуз мақсадлар ётганлигини фараз қилишга мойиллик туғилади. Масалан, жазони ўташ даврида радикал ғоялар сингдирилган ҳамда уларни бажариш учун тайёрланган маҳкумлар ёрдами билан зўравонликка асосланган янгича жиноятлар режаси “пишитилаётганини” тахмин қилиш мумкин. Бундай ҳолатда аёллар назорат қилувчи функцияни бажарадилар.

Маҳкума аёлларнинг айримлари ҳам никоҳ билан боғлиқ расм-русмларни худди шу тахлит телефон орқали амалга ошириб турмуш қурадилар. Улар ҳам, бошқалари ҳам телефон орқали худди шундай осонгина ажрашадилар. Сўнгра яна қайта турмуш қурадилар[3].

Одатга кўра, бўлажак эр ва хотин бир-бирини фақат гуруҳ аъзоларидан бирининг тавсияси асосидагина танийди, бундай уюшмаларга кирган қизларнинг турмуш ўртоқ танлашдаги асосий мезонлари шуки, “у намоз ўқиши ва соқол қўйган бўлиши керак”.

Кўпинча экстремистик ёки террористик гуруҳ аъзосига турмушга чиқиш таклифи алоҳида ихтисослашган “исломий” танишув сайтлари орқали келиб тушади. Ортиқча ваъдаларсиз қизга шаръий никоҳ таклиф этилади. Куёв ёки келиннинг бундан аввал ҳам шундай ёзишмалар ёрдамида бир неча бор турмуш кўрганлиги ҳеч кимни хижолатга ҳам солмайди.

Баъзи аёллар гуруҳдаги тартиб-қоидаларга амал қилган ҳолда, гуноҳга ботишни исташмагани учун уларга “эрли аёл” мақоми зарурлигини айтишади. Яна бошқалари янги муносабатларга киришишнинг асосий сабаби жинсий муносабатларга эҳтиёж сезаётганликлари эканини тан олишади.

Мисол учун, экстремистик характердаги жинояти учун судланган бир маҳкумнинг хотини унинг озодликка чиқишини кутиб ўтирмаслигини ва Сурияга бориб “ўз-ўзини қурбон этиш”нинг ўзига хос усули сифатида жангарилар билан вақтинчалик никоҳдан ўтиб, уларга жинсий хизмат кўрсатишини маълум қилади. Аёлга худди шундай истакда бўлган ўз онаси ҳамроҳлик қилади.

Яна бир аёл отасининг таъсирида зўравон экстремистик гуруҳга қўшилади, унинг қарашларини қўллаб-қувватламаган эри билан “кофир билан яшамайман” деган иддаода ажрашади. Сўнг яна турмушга чиқади. Унинг янги турмуши бор-йўғи бир ой давом этди. Эри ишлаш учун жўнаб кетди ва ўша ердан телефон орқали аёлнинг талоғини берди.

Шундан сўнг у дарҳол интернет орқали Қозоғистондаги колонияларнинг бирида жазо ўтаётган эркак билан танишади, унинг ёнига боради ва ўша ерда унинг никоҳига киради.

---

[2] Экстремистик ва террористик характердаги жиноятлар учун судланганларнинг аёллари билан яккама-якка суҳбатдан. Қозоғистон. Остона, 2016 й.

[3] Қирғизистон Республикаси жиноий-ахлоқ тузатиш тизимидаги ахлоқ тузатиш муассасаларини террористик характердаги ва экстремистик йўналишдаги жиноятлар учун судланганлар билан ишлаш юзасидан мониторинг қилиш натижалари бўйича ҳисобот. БМТнинг Гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси (UNODC). Бишкек, 2018 й. 44-бет.

Тез орада у яна бир фарзандли бўлади. Охир-оқибат авваллари фарзандлари учун оладиган ва уларга сарфлайдиган нафақа пулларини колонияга – янги пайдо бўлган эрига озиқ-овқат, майда-чуйда узатмалар бериш учун харж этадиган бўлади. Психолог билан суҳбатда у ўзининг шошилинч равишда қайта-қайта эрга тегишини жисмоний зарурат деб изоҳлайди.

3-ТОИФА: ШАХСНИНГ ЎЗИГА ХОС ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИГА КЎРА ЖАЛБ ЭТИЛГАНЛАР

Яна бир ҳолат. Бунда олти ойлик ҳомиласи бор турмушли аёл интернет орқали ўзини шайх деб атаган бир кимса таъсирига тушиб қолади. Ижтимоий тармоқларнинг бири орқали танишгани – Европада яшовчи Муҳаммад исмли шахс аёлга гўёки "исломий таълимот" сирларини ўргата бошлайди. У шариат қонунлари ҳақида сўзлар, "кофирлар давлати"да яшаш мумкин эмаслигини уқтирар, паспорт ва бошқа шу каби расмий ҳужжатлардан воз кечиб, Сурияга ҳижрат қилиш кераклигини ёзарди. Муҳаммад аёлни амалдаги никоҳи ҳақиқий эмаслигига ишонтириб, унга турмуш қуришни таклиф этади. Аёлнинг ёнига келишга ваъда беради. Унга ИШИД (Марказий Осиё Республикаларида тақиқланган халқаро террористик гуруҳ) учун қасамёд қилишга тайёр аёллардан иборат жамоат тузиш вазифасини топширади.

Ўша "шайх"нинг таъсири остида И. исмли бу аёл экстремистик сайтларни ўргана бошлади, улардаги янгиликлар, хабарлар билан ўз саҳифасида бўлишиб, тегишли ҳаволалар бериб боради. Оқибатда радикал мазмундаги маълумотлар тарқатгани ва террористик фаолиятга чорлагани учун жиноий жавобгарликка тортилади.

Аёл шахсига хос сифатлар юзасидан ўтказилган таҳлиллардан сўнг аёлда альтруистик инстинкт устунлиги ҳамда ўз-ўзини идентификациялаш кўрсаткичининг пастлиги намоён бўлди, айнан шу жиҳатлар унинг зўравон экстремизм билан боғлиқ фаолиятга аралашиб қолишига сабаб бўлган.

Альтруистлар яхшилик, эмпатия (ҳамдардлик, қайғудошлик), яқинларига, айниқса, кекса ёшдагиларга ғамхўрлик ҳисси билан характерланади, улар ўзлари муҳтожлик сезиб турган бўлса-да, бор будини ўзгаларга бера олиш қобилияти билан ажралиб турадилар. Аммо муайян вазиятларда бу сифатлар учинчи шахслар томонидан ғаразли мақсадларга эришиш йўлида қўлланилиши мумкин.

Альтруистик инстинкт соҳиблари ҳеч кимга "йўқ" деб айтолмайди, яъни ҳеч бир илтимосни рад этолмайди, айниқса, муайян мотивациялар, мисол учун, агарда гап болалар, жабрдийдалар ҳаётини қутқариш ва бошқа шу кабилар ҳақида борса, у ўзи ҳам тушунмаган ҳолда, террористик гуруҳларнинг радикал позициясини қўллаб-қувватлаши мумкин.

Ўз "мен"ининг йўқлиги сабабли аёл эктремистик гуруҳнинг радикал ғояларидан ҳимоялана олмаган. Акс таъсир унга ташқаридан кўрсатилганлиги учун, радикал гуруҳ тамойилларини рад этиш унинг учун гўёки "олий" мақсадларга хиёнат қилишдек бир гап эди. Бу ўринда гап инсоннинг яшовчанлик хусусияти ҳақида кетмоқдаки, бунда инсон ўз "мен"ини, ўзлигини йўқотиш ҳисобига ижтимоий талабларга мослашади.

Шуни қайд этиш жоизки, аксарият маҳкума аёллар ўз феъл-атворида шундай жиҳатларга эгадирлар. Аслида улар радикал гуруҳларга одам ёлловчиларнинг ҳийла-найрангларига алданган қурбонлар, ҳақиқий жабрдийдалар холос.

Террорчилар уларнинг яхшилигидан, бошқалар фойдасига ўзини қурбон қила олишга тайёрлигидан фойдаланмоқдалар.

4-ТОИФА: ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРДАГИ ТАНАЗЗУЛ ТУФАЙЛИ ЖАЛБ ЭТИЛГАН АЁЛЛАР

Бу алоҳида тоифага мансуб аёллар гуруҳи бўлиб, уларда танлаш ҳуқуқи бўлмаган. Улар учун ҳамма нарсани эрлари ҳал этган.

Оилада аёлларнинг роли пастлиги ва эрга итоаткорлик умумқабул қилинган меъёр эканлиги ортидан аёлларнинг зўравон экстремизмга жалб этилиши ҳолатлари Тожикистонда энг кўп учрамоқда. Нодавлат ташкилотларининг вакиллари билан интервью чоғида улар бу каби ҳолатларни (тенденцияларни) қўйидагича изоҳладилар:

Биринчидан, аёллар учун:
“Эр бу – Худо!”
Иккинчидан:
“Ота-она – фақат ота!”
Учинчидан:
“Чиққан қиз – чиғириқдан ташқарида, яъни узатилган қиз (қизлар, кўп ҳолларда 14-15 ёшида узатилади) эри билан ажрашиб қайтиб келгудай бўлса, ота уйида уни қабул қилмайдилар. Унинг ҳеч кимга кераги йўқ”[4] .

Албатта бундай қатъий йўл-йўриқлар, тартиблар аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тамомила йўққа чиқаради. Айрим ҳолларда оила бошлиқлари аёлларига Сурия ҳақида сўз очмасдан, Туркияга ишлагани кетишаётганини айтишган, бошқа ҳолатларда эса аёллар Сурияга кетишаётганини олдиндан билишган, била туриб, оилани сақлаб қолиш умидида эрлари ортидан кетишга, уларга эргашишга мажбур бўлишган[5].

Терроризм масалалари таҳлили билан шуғулланувчи мутахассис ҳамда АҚШнинг «SITE Intelligence Group» корпорацияси асосчиси Рита Кац ИШИД (Марказий Осиё Республикаларида тақиқланган халқаро террористик гуруҳ) навбатдаги террор хуружларига тайёрланар экан, бу мақсадни амалга оширишга аёлларни жалб эта бошлаганини баён этади. “Ўзининг янги мурожаатларида ИШИД эрлар ва оталарга аёллари ва қизларини террор ҳужумларини амалга оширишга мажбурий тарзда жалб этишга рухсат берди”[6] , – дея таъкидлайди у.

5-ТОИФА: ЙЎЛБОШЧИЛИККА (ЕТАКЧИЛИККА) ВА ҲОКИМИЯТГА ИНТИЛИШ ҲИССИ ОРТИДАН ЖАЛБ ЭТИЛУВЧИ АЁЛЛАР

Зўравон экстремизмга қўшилган аёллар орасида фаол етакчилар, ёлловчилар ҳам борки, улар хориждаги экстремистик гуруҳларга ўз хоҳиш-истаклари билан қўшилганлар.

Экстремистларнинг гендер тенгликка йўналтирилган тарғиботи аёлларга ислом полициясига кириш чоғида юқори мартаба, шунингдек, молиявий маблағларни ваъда қилади. Шу билан бирга уларни ёлловчи сифатида ишлашга ҳам таклиф этишади [7].

Экстремизм тарғиботи учун судланган Қозоғистон фуқаро бўлган аёл бешта оилани ўз ичига олган бутун бошли жамоатга бошчилик қилган. Ўзи Халқаро террористик ташкилотлар билан доимий мулоқотда бўлиб, маълумот алмашиб турган, Сурияга кетишга чоғланаётган бўлган, кетмасидан сал аввал қўлга олинган.

Тожикистон расмийлари мамлакатдан камида беш нафар аёлнинг мустақил равишда Сурияга кетгани ҳақида хабар беришди. Масалан, 34 ёшли душанбелик аёл Сурияга боради, сўнг бошқа аёлларни ёллаш мақсадида ва эрларидан бирини (у уч карра турмуш қурган) олиб кетиш мақсадида Тожикистонга қайтиб келади[8].

Бу гуруҳга кирган аёлларнинг барчаси яхши маълумот олган, бир нечта хорижий тилларда сўзлаша оладиган, ёшлик чоғларидан ўз тенгдошлари орасида етакчи мавқеларни эгаллаб келишган, апологетика (диний ақидаларни ҳимоя қилиш, асослаш) масалаларини жуда яхши тушунадиган ва ифода эта оладиган қобилиятга эга бўлишган. Улар ҳийла-найранг (манипуляция) техникасини яхши ўзлаштиришган, суҳбатдошни осонгина чалғитишлари мумкин, ўзига хос алоҳида қобилиятлари билан кўпчиликни ўз ортидан эргаштира оладиган салоҳиятли, ўта виқорли ва истарали аёллар. Бироқ, етакчиликка, кўпчиликни бошқаришга бўлган кучли интилишлари туфайли уларнинг ўзлари ҳам “хўрак”ка айланишган, яъни

---

[4]Нодавлат ташкилотлари вакиллари билан алоҳида суҳбат, Тожикистон, Душанбе, апрель 2018 й.
[5]Аёллар ҳамда Европа ва Марказий Осиё давлатларида зўравон экстремизм. Қисқача хулосалар ва тавсиялар. ® БМТ-Аёллар. Июнь 2017 й.
[6]Ф. Прокудин. “Аллоҳ мени асради”. ИД(ислом давлати) жангариларининг Суриядан қайтишини кутаётганлар ким? 4 декабрь 2017 й. Ушбу ҳавола бўйича ўқиш мумкин - https://ria.ru/syria/20171204/1510122854.html*
[7]Аёллар ҳамда Европа ва Марказий Осиё давлатларида зўравон экстремизм. Қисқача хулосалар ва тавсиялар. ® БМТ-Аёллар. Июнь 2017 й.
[8]Аёллар ҳамда Европа ва Марказий Осиё давлатларида зўравон экстремизм. Қисқача хулосалар ва тавсиялар. ® БМТ-Аёллар. Июнь 2017 й.

уларнинг бари – “кичик хўжайинчалар”, зарурат туғилганда, зўравон экстремизм гуруҳлари ва террор раҳнамолари уларнинг ўзларини ҳам қурбон қилишдан тап тортмайдилар.

ЭКСТРЕМИЗМГА ЗЎРАВОНЛИК БИЛАН ЖАЛБ ЭТИЛГАН АЁЛЛАР РЕАБИЛИТАЦИЯСИ

Юқорида келтирилган далилларни инобатга олган ҳолда, яна бир карра қайд этиш жоизки, аёлларнинг зўравон экстремизмга жалб этилишига имкон яратган сабаб ва баҳоналар (мотивлар)ни ўрганиш, муҳокама қилиш масаласи алоҳида, индивидуал ёндашувни талаб қилади.

Бундан ташқари, уларни жамиятга қайтариш (ресоциализация) усулларини танлашда келгусидаги потенциал таҳдидлар хавфини ҳам эътиборга олиш ўта муҳим. Афсуски, Марказий Осиё Республикаларида гендер жиҳатларни ҳисобга олган (гендер масалаларга йўналтирилган) тизимнинг ўзи мавжуд эмас. Шунинг учун реабилитация жараёнига ҳар қандай истисноларсиз, барча бирдек жалб этилмоқдаки, бу юқори даражадаги муваффақиятсизликка олиб келмоқда.

Мисол учун, қозоғистонлик психолог А. Базарбаева ўз амалиётидаги бир воқеани шундай эслайди. 2015 йилда у телефон орқали Туркияда яшаб қолган бир жангарининг аёли билан боғланиб, уни уч нафар фарзанди билан Қозоғистонга қайтиб келишга кўндиради. “Шундан сўнг бир неча вақт мобайнида у адаптация курсларини ўтай бошлайди, унинг фарзандларига ҳужжатлар тайёрлаб беришади, нафақа тайинлашади. Бироқ, шунда ҳам у ўзининг “такфирий”ча (такфирийлар – ўз мухолифлари билан қуролли тўқнашувлар олиб боришга асосланган догматик ақидаларга эга ўта радикал оқим) ақидаларига комил ишончини сақлаб қолаверади. ИШИД (Марказий Осиё Республикаларида тақиқланган халқаро террористик гуруҳ) жангарилари “халифат” тузилганлигини эълон қилишганда эса, у чин дилдан хурсанд бўлади. Орадан бироз вақт ўтиб, жангларнинг бирида эрини отиб ташлашганини эшитади”. А. Базарбаеванинг хотирлашича, “С.нинг юзи қувончдан яшнаб кетди, у эри “шаҳид бўлгани”ни айтиб, хурсандчиликдан деярли ҳайқириб юборди, энди “эри қиёмат куни Яратгандан аёлнинг гуноҳларини авф этишини ва уни жаннатга киритишини сўрар экан”. Аёлнинг эри ўлиб, бева бўлиб қолгани ҳақидаги хабар радикал кайфиятдаги маҳаллий жамоатлар орасида тез тарқалди, тез орада унга уйланиш истагида бўлган бир тўда хушторлар пайдо бўлди. Вазият шу даражага етдики, ўша “харидорлар”нинг биринчи хотинлари аёлнинг ёнига келиб, ўз эрлари учун иккинчи хотин бўлишини сўрадилар. “Диндош биродарлар” аёлни уй-жой билан таъминлашни ва бошқа барча харажатларини қоплашни таклиф этишган лаҳзада реабилитация (реабилитация билан боғлиқ барча уринишлар!) барбод бўлди. Аёл ўйлаб ҳам ўтирмай, уларнинг таклифини қабул қилди [9] .

Бу воқеа шуни яққол намоён этмоқдаки, террористик гуруҳлар сафида юриб, қонли тўқнашувларга бош қўшган аёлларни ҳам қаҳрамон сифатида кўкларга кўтаришади, ҳурмат қилишади, уларга ўхшашга интилишади, уларни маънавий ва моддий жиҳатдан ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашади. Жангариларнинг аксарият бевалари радикал гуруҳлар сафида ёш қизларга мураббийлик қилиб, зўравон экстремизм ақидаларини ўргатадилар.

Жуда ёш бева қолган ва фарзанди бўлмаган аёллар такроран турмуш қуришга рози бўладилар. Бошқалари, ўзлари баён этишганидек, “шаҳид бўлган жафозада эрлари билан биргаликда жаннатга кириш” учун охирги манзилга қадар ўз мақомларини сақлаб қолишни афзал биладилар.

Марказий Осиё Республикаларида фаолият юритаётган дунёвий жамиятга мансуб сон жиҳатдан унча кўп бўлмаган марказларда эса бундай аёлларни моддий жиҳатдан таъминлаш борасида радикал гуруҳлар вакиллари билан рақобатлашиш имкони йўқ. Бу каби аёлларни бошпана билан таъминлайдиган стационар марказлар ҳам етарли эмас, реабилитация жараёнининг психологик таркибий қисмлари юзасидан етарлича маълумотга эга бўлган мутахассислар ва яна шу каби бошқа шароитлар ҳам мавжуд эмас.

---

[9] *Психолог, террористик гуруҳнинг собиқ аъзоси А. Базарбаева билан алоҳида суҳбат, Қозоғистон, Кўкчатов, апрель, 2018 й.*